

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИСТЕЪМОЛИНИ УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Насиров Жамолиддин Ғайрат ўғли

*Аннотация:* Биз ушбу мақола орқали электр энергиясини истеъмолини узлуксиз таъминланишинг истиқболлари, муаммо ва ечимларни бирма бир кўриб уларга доир олиб борилаётган ислохотлар билан танишиб чиқамиз.

*Калит сўзлар:* қуёш энергияси, шамол энергияси, электр станция, энергетика тармоғи, инвестиция.

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИСТЕЪМОЛИНИ УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби электр энергетикаси соҳасида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ўтган қисқа фурсат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентнинг соҳани комплекс ривожлантиришга қаратилган қатор фармон, қарорлари асосида тизим фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилиб, янгича тус олмоқда. Электр энергетикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат. Яни Ўзбекистон Республикасининг электр энергетика хавфсизлигини таъминлаш, ягона электр энергетикаси тизимининг хавфсиз ва ишончли ишлаб туриши, истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш ва истеъмолчиларнинг ҳудудий электр тармоқларидан кенг фойдаланишини таъминлаш ҳамда энергия ҳосил қилувчи қувватларни ва электр тармоқларини реконструкция ва модернизациялаш, ривожлантириш жараёнларига инвестициялар жалб қилиш ва механизмларини жорий этиш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 22.08.2019 йилдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4422-сон қарори қабул қилинган. Ушбу қарорда қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантириш, уларнинг улушини 2030 йилга бориб электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 фоизидан кўпроғига этказиш белгилаб берилган. Ҳозирги вақтда бу кўрсаткич 10-12 фоизни ташкил этади. Белгиланган муддатда кўзланган натижага эришиш учун эса Энергетика вазирлиги қайта тикланадиган энергия манбаларига боғлиқ йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш чораларини ишлаб чиқиб, амалий чора-тадбирларни кўрмоқда.<sup>31</sup>

Бугунги кунда энергетика соҳаси исталган мамлакат тараққиётининг асосий тизмларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиётни ривожлантириш, аҳолининг қулай ҳаёт кечиришни, таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминот, коммунал хўжаликнинг мўтадил фаолияти учун имкониятлар айнан шу соҳада яратилади. Фақатгина электр стансиялар, электр тармоқлари ва энергетика инфратузилмасининг муқобил манбаларини қуллаш ва ишлатиш борасида энг замонавий ютуқларни кенг татбиқ қилиш орқали қўйилган мақсадларга эришиш мумкин. Бозор қонунлари асосида энергетикани ривожлантириш рақобат учун шарт-шароит яратади, бу эса нафақат воситалар, балки замонавий тажриба ва технологиялар соҳибби бўлмиш энг малакали муҳандисларни лойиҳаларни амалга оширишга жалб этишга имкон беради. Шу аснода яна ўн йилларча долзарб аҳамият касб этувчи ускуна ва услубиятларни Ўзбекистон энергетикасига олиб кириш мумкин.

---

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг 22.08.2019 йилдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4422-сон қарори.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепсияси” тасдиқланган. Ушбу концепсияси Энергетика вазирлиги ва алоқадор вазирликлар, идоралар ҳамда халқаро маслаҳатчилар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Концепция мамлакатнинг электр энергетика тармоғини ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш мақсадлари ва йўналишларини, устувор йўналишларини ва кўрсатмаларини, шунингдек, электр энергетика тармоғида давлат сиёсатининг амалий рўёбга чиқаришнинг маълум босқичларида унинг самарадорлигини таъминлаш механизмларини ва мақсадларга эришишни кафолатлайди.<sup>32</sup>

Шунингдек, энергетика соҳасида бозор муносабатларига ўтиш йўлида муваффақиятли одимлардан бири давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосида энергия, шу жумладан, ҚТЕМ ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширишдир. Бугун ушбу модел жамики қурилаётган ва режалаштирилган электр станциялар учун асосга айланди. Шундай қилиб, янги электр станцияларни, шу жумладан, иссиқлик (ИЕС), қуёш фотоэлектр (ҚФЕС), шамол (ШЕС) электр станцияларини ишга тушириш кўп жиҳатдан мамлакат энергетика соҳасида рўй бераётган ўзгаришларига мисол бўла олади. ДХШ асосидаги лойиҳалар тендер, яъни рақобатдош бозор асосида ўтказилади.<sup>33</sup>

Шунингдек, жаҳон банки гуруҳига кирувчи халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, европа тикланиш ва тараққиёт банки энг яхши халқаро тажрибани ўзлаштириш ва тендерлар ўтказиш учун техник ёрдам кўрсатмоқда. Тендер ғолиби янги электр станцияни лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш учун масъул ҳисобланади. Корхоналар билан ишлаб чиқариладиган электр энергиясини харид қилиш юзасидан 20-25 йилга мўлжалланган узоқ муддатли

---

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “2020–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепсияси”.

<sup>33</sup> <https://www.standart.uz/cyrl/news/view?id=785>

битим тузилади. Электр энергия учун фойдали нарх таклифи тендерда ғолиб бўлиш учун асосий мезон қилиб олинган. Аммо ўз таклифини беришдан олдин тендер қатнашчилари малакали саралаш босқичидан ўтишлари лозим. Бундан кўзланган мақсад, уларнинг юксак тажрибасини, маблағлари мавжудлигини, бундай лойиҳаларни амалга ошириш ва таъминлашга қодирлигини исботлаши лозим. Бунинг натижасида Ўзбекистон энергетика соҳаси сўнгги 3 йил давомида жадал жорий қилинаётган бозор тамойиллари бу соҳада соғлом рақобат яратишга имкон беради, электр энергия мустақил ишлаб чиқарувчиларининг манфаатдорлиги эса бунинг исботидир.<sup>34</sup>

Шунингдек, бугунги кунда электр энергия хариди бўйича жами 17 та битим имзоланган, бу эса энергетика соҳаси учун рақобат муҳитини яратиш борасида муҳим босқичлардан биридир. Электр энергияни мустақил ишлаб чиқарувчилар қаторида “TOTAL EREN SA” (Франсия), “ABU DHABI FUTURE ENERGY COMPANY” (БАА), “ACWA POWER” (Саудия Арабистони) каби компаниялар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.03.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4249-сон Қарорига мувофиқ энергетика вазирлиги ҳузурида Лойиҳа маркази ташкил қилинган бўлиб, халқаро молия ташкилотлари билан ҳам иш юритади. Турли мамлакатларнинг энергетика соҳаларини ислоҳ қилиш асносида катта тажриба тўплаган халқаро экспертлар жалб этилган. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда энергия самарадорлигини ошириш масаласи бугун кунда энг долзарб масала ҳисобланади. Ҳозирги кунда жаҳонда энергия истеъмолининг қарийб 23 фоизи уй-жой соҳасига тўғри келса, Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткичлар 40 фоизни ташкил қилмоқда. Хусусан, Европада 1 квадрат метр учун энергия сарфи йилига 120, 150 киловатт-соатни ташкил қилса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 390 киловатт-соатдан ошмоқда. Энергия самарадорлигини оширишга доир ишларни

---

<sup>34</sup> <https://uchtepatumani.uz/uz/n-ili-lar/elektr-energiyasini-iste-molchilarga-uzluksiz-ta-minlab-beramiz>

олиб бориш жараёнида 2020 йилда иқтисодиёт тармоқларида ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш эвазига 1352,4 млн. куб метр табиий газ, 917,5 млн. киловатт-соат электр энергияси тежашга эришилди.<sup>35</sup>

Шунингдек, Электр энергияси манбаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудлар кесимида кўрадиган бўлсак.(1-расм)



**1-расм. Қайта тикланадиган электр энергияси манбаларини (МВт)**

Шунингдек, 2025 йилга қадар энергия тизими қувватини 25,6 ГВтга етказиш назарда тутилган, улар орасида, иссиқлик электр стансиялари 18,8 ГВт, гидроэлектр стансиялар – 2,5 ГВт ни таъминлаб, қуёш ва шамол электр стансиялари қуввати эса 4,3 ГВт га етади. Ҳамда эскирган қурилмалар бирма-бир фойдаланишдан чиқариш режалатирилган. 2030 йилга бориб умумий ишлаб чиқариш қуввати 29 200 МВт ни ташкил этади, бу эса бугунги кўрсаткичларга қараганда 2 баробар кўпроқдир. Натижада 2030 йилда электр энергия ишлаб чиқариш ҳажми 120,1 млрд. киловатт-соатни ташкил этади. Мазкур йўналишдаги ишлар натижаси ўлароқ, 2025 йилга бориб мамлакат энергетика

<sup>35</sup> <https://yuz.uz/news/anvar-rasulov-maqsadimiz--istemolchilarni-mustaxkam-elekt-energiyasi-bilan-taminlash>

тизимининг қувватини 25 600 МВтга, 2030 йилда эса 29 200 МВт га етказиш вазифаси белгилаб қуйилган. Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергетика бўйича жорий қилинаётган лойиҳалар мамлакат энергетика соҳаси олдида қўйилган вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади.<sup>36</sup>

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИСТЕЪМОЛИНИ УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАШДАГИ МУАММОЛАР

Электр энергиясини истеъмолини узлуксиз таъминлашда бир қанча муаммолар юзага келмоқда. Жумладан, электр энергияси таъминотидаги узилишларнинг асосий сабаби ҳаво ҳароратининг совиб кетиши натижасида электр энергияси истеъмолининг кескин ортиб кетиши туфайли юзага келади. Шу билан бирга, қисқа муддатли узилишлар тизимдаги катта аварияларнинг олдини олишга имкон беради. Бунинг сабаби шундаки, ҳар қандай энергия тизимида унинг барқарор ишлаши учун ҳар қандай вақтда истеъмол ва ишлаб чиқариш ўртасидаги энергия мувозанати таъминланиши муҳим. Ушбу жараён истеъмолчиларга электр энергиясини ишончли ва узлуксиз етказиб бериш ва энергия тизимининг муаммосиз ишлашини таъминлаш нуқтаи назаридан жуда муҳимдир. Электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг кескин ортиши (ёзда жазирама иссиқ мавсумидаги ёки қаҳратон қиш мавсумидаги совуқ об-ҳавода) кузатилган пайтда ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам истеъмол ва ишлаб чиқариш ўртасидаги энергия балансини таъминлаш жуда қийин вазифа бўлиб қолмоқда. Бунда катта аварияларни ва бутун мамлакатда истеъмолчилар электр энергияси таъминотидан узилишини олдини олиш учун электр энергияси таъминотида чекловлар жорий этилишига мажбуран олиб келади. Диспетчерлик маркази томонидан энергетика тизимда мувозанат сақлаш жараёни ўз вақтида таъминламаса, тизимдаги “зўриқиш” турли йирик аварияларга сабаб бўлиб, катта-катта ҳудудларда узоқ вақт электр энергия бўлмаслигига олиб келади.

<sup>36</sup> <https://minenergy.uz/uz/news/view/913>



Энергия балансини таъминлаш мумкин бўлмаган ҳолатларда, ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг диспетчерлик бошқармаси истеъмолчиларнинг бир қисмини режа жадвалига мувофиқ чекловлар ўрнатишга мажбур бўлади. Ушбу графиклар, қоида тариқасида, паст кучланишли (0,4 кв, 6-10 кв) тақсимлаш электр тармоқларини ўз ичига олади. Бу ҳаракатлар мамлакат энергетика тизимида юзага келиши мумкин бўлган йирик аварияларнинг олдини олишга қаратилган. Бу эса электр энергиясини кечаю-кундуз мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш ва диспетчер назоратининг ўз вақтида жавоб бериш имконини беради.<sup>37</sup>

Электр энергия тизими – электр энергиясини ишлаб чиқарувчи иссиқлик электр станциялари, ишлаб чиқарилган электр энергиясини юқори кучланишли магистрал электр тармоқлари орқали транспортировка қилиш, электр энергиясини тақсимлаш тармоқлари ва истеъмолчиларни ўз ичига олган мураккаб тузилма ҳисобланади. Электр энергетикасининг бошқа ишлаб чиқариш соҳа ва йўналишлардан фарқи ҳамда ўзига хос хусусияти шундаки, электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш бир пайтнинг ўзида амалга оширилиши лозим бўлган ягона технологик жараён бўлиб, ҳар лаҳзада улар ўртасида тенглик, мувозанат ўрнатиш ниҳоятда муҳим вазифа ҳисобланади.

Шунингдек, Электр энергия тизимидаги тур хил ноқонуний уланиш каби ҳолатлар натижасида отиқча кучланиш ҳамда трансформаторларга катта кучланишлар натижасида авариялар юзага келишини кўришимиз мумкин. Бунга нисбатан қонунчиликда жавобгарлик масаласи белгилаб қуйилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси д) ва э) банлари, 185<sup>2</sup>, 278<sup>2</sup>-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ма'мурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61, 100, 101 ва 102-моддаларига асосан жавобгарликка тортилади.<sup>38</sup>

---

<sup>37</sup> <https://minenergy.uz/uz/news/view/913>

<sup>38</sup> <https://lex.uz/docs/4257083>

Бундай ҳолларда жиддий тизимли аварияларнинг олдини олиш учун энергия тизимини ривожлантириш, унинг энергия самарадорлигини ошириш ва тизимни энергия ресурслари билан таъминлаш шароитларини яхшилаш зарур.

## **ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИСТЕЪМОЛИНИ УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАШДАГИ МУАММОЛАРГА ЕЧИМЛАР**

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби электр энергетикаси соҳасида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ўтган қисқа фурсат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентнинг соҳани комплекс ривожлантиришга қаратилган қатор фармон, қарорлари асосида тизим фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилиб, янгича тус олмоқда. Мамлакатимизда ҳосил қилинаётган электр энергиясининг қарийб 97 фоизи “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти тасарруфидаги электр станцияларига тўғри келади. Статистик маълумотларга қараганда, ўтган йили электр энергетика тизимидаги мавжуд корхоналар томонидан истеъмолчиларга жами 57 миллиард киловатт-соатдан ортиқ электр энергияси етказиб берилган. Бугунги кунда бир йилда ишлаб чиқариладиган электр энергияси ҳажми 60 миллиард киловатт-соатдан ортиқ бўлиб, ишлаб чиқариш ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталаридагига нисбатан қарийб 10 миллиард киловатт-соатга кўпайган. Аҳоли турмуш даражасининг ўсиши, турли замонавий маиший электр жиҳозларининг турмушда фойдаланиш кўлами кенгаяётгани боис, электрга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Истеъмолчиларни сифатли электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш борасида қатор вазифалар амалга оширилмоқда. Электр энергиясини ҳосил қилувчи қувватларни ошириш, магистрал ва тақсимлаш электр узатиш линияларини реконструкция қилиш бўйича “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти давлатимиз томонидан қабул қилинган дастурлар асосида қатор истиқболли лойиҳалар, чора-тадбирлар, халқаро кредит институтларининг



маблағларини жалб этган ҳолда инвестицион лойиҳаларни амалга ошир келинмоқда.<sup>39</sup>

Хусусан, амалий мисол сифатида Учтепа туманини кўрадиган бўлсак, туман электр таъминоти корхонаси тасарруфида 62 минг 638 нафар аҳолига ва 2043 дан зиёд юридик шахсга хизмат кўрсатувчи 428 та трансформатор станцияси, 274 км узунликдаги ҳаво электр узатиш тармоқлари, 10-6-04 кВт 543 км кабел линиялари эксплуатация қилинмоқда.

Шунингдек, туман ҳудудида жойлашган жами 60 та маҳалладаги электр энергияси истеъмолчиларига корхонанинг 79 нафар ишчи-ходими хизмат кўрсатади. Такидланганидек, туман электр таъминоти корхонаси ишчи-ходимлари истеъмолчилар учун туну-кун хизмат қилишмоқда. Биргина соҳада хавфсизлик ибораси ҳар бир энергетикнинг зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки ҳар қандай эътиборсизлик катта фалокатларга сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, кутилмаган табиий офатлар, фавқулодда вазиятларга доим ҳушёрлик, тезкорлик ва эътиборни талаб этади. 2020 йилнинг ўтган даврида, истеъмолчиларга электр энергия таъминотини яхшилаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилган. Хусусан, 6-10 кВт 44 та трансформатор станцияси мукамал таъмирланди.

Шунингдек, 260,85 км ҳаво тармоғидан 37,43 км ҳаво тармоғи мукамал ҳамда 109.6 км ҳаво тармоғи жорий таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, "Обод маҳалла" дастурига асосан, жорий йилда "Кўхна чўпон ота", "Ҳамдўст" ва "Тинчликобод" МФЙларида трансформатор нимстанциялари мукамал таъмирланди. Қолаверса, ҳудуддаги 17 та маҳаллалардаги симёғоч устунлар, бетон устунларга алмаштирилди. "Ўзбекистон МЭТ" АЖга қаршли Тошкент шаҳар магистрал электр тармоқлари филиалида электр ускуналарида бажариладиган ишлар тунги соатларда амалга ошириляпти. Бу қиш кунларида пойтахтимиздаги электр таъминоти режимининг бироз ўзгаргани, совуқ ҳарорат

---

<sup>39</sup> <https://www.standart.uz/cyrl/news/view?id=785>

энергетика тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатаётгани билан боғлиқ. Бундай вазиятда зарур ишлар ишчи-ходимлар хушёрлигини икки карра оширган ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этган ҳолда раҳбар-ходимлар иштирокида бажарилаётганини кўришимиз мумкин. Филиалда ташкил қилинган “штаб”да кун-у тун тезкор бригадалар ишлайди. Подстанцияларда кечки максимум соатларда электр қурилмаларининг ишончли ишлаши, ҳарорати, техник кўрсаткичлари ва электр энергияси истеъмолининг таҳлили мунтазам олиб борилади. Аниқланган камчиликлар зудлик билан баратараф қилиниши чоралари кўрилади. “Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг таркибий қисми сифатида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги аҳоли истеъмолчилари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларини узлуксиз ва сифатли электр энергияси билан мунтазам таъминлайди. Яъни, мазкур ташкилот электр энергиясини ишлаб чиқарувчи корхоналардан олиб, истеъмолчиларга етказиб берилишида бир бўғин вазифасини бажаради. Шу билан бирга, филиал электр энергияси тармоғининг барқарор ишлашини таъминлаш, соғлом ва беталофат иш муҳитини яратиш борасида ҳам мунтазам ишлар олиб бормоқда. Ҳаётимизнинг бир кунини электр энергиясисиз тасаввур этиш қийин. Уйимиз чароғонлигидан тортиб, барча тармоқлардаги иш кўлами, ҳатто, интернет тармоғига ҳам электр энергияси керак. Ҳозирги вақтда электр энергияси инсонларнинг энг зарурий эҳтиёжларидан бирига айланиб борапти. Ҳаёт тарзининг ривожланиши, ҳар бир хонадонда маиший техникалар сонининг ортиб бориши ўз-ўзидан электр истеъмолига бўлган талабни оширади. Қолаверса, совуқ кунлар кириши билан аҳолининг иситиш воситаларидан кўпроқ фойдалана бошлаши электр энергияси етказиб беришдаги меъёрнинг бирмунча издан чиқишига таъсир кўрсатмай қолмайди. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари жадал олиб борилганига қарамай, бу йилги илк совуқ кунлардаёқ қатор камчиликлар юзага келгани барчамиз кўрдик. Етказиб берилаётган табиий газ босимининг пасайиши ва электр энергиядаги узилишлар пойтахтимиз ҳамда вилоятлар аҳолиси учун бир мунча ноқулай шароитни яратди. Ушбу ҳолатда юртдошларимизнинг

этирозларига ҳам сабаб бўлди. Сўнги йилларда электр тармоқларига юкламалар ортиб боряпти. Айти вақтда “Тошкент шаҳар МЭТ” филиали балансида умумий қуввати 3034,5 мегавольтампер бўлган 220 кВтли 7 та подстанция ишлаб турибди. Жорий йилда 4 дона трансформатор ҳамда 8 дона ўчиргич мукамал таъмирдан чиқарилди. “Кўйлик”, ”Юксак” ва “Озодлик” подстанцияларида эса модернизация ва реконструкция ишлари давом эттирилмоқда. Бу йил ҳисобидан 43,8 миллиард сўм ўзлаштирилиб, замонавий электр ускуналарга ва умумий қуввати 338 мегавольтампер бўлган куч трансформаторлари фойдаланишга топширилди. Подстанцияларга бирин-кетин янги, юқори қувватли трансформаторлар ўрнатиляпти ва электр ускуналар янгисига алмаштириляпти.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича асосий кўрсаткичлари.(2-расм)



**(2-расм). Ўзбекистон Республикаси электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича асосий кўрсаткичлари (кВт)**

Жорий йилнинг 5 июлида Хитой Халқ Республикасининг “Чандонг Элестрикал Энжинееринг анд Экуипмент Гроуп Со. Лтд” компанияси ва “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ўртасида 6,78 миллион долларлик

шартнома имзоланди. Бундай комплекс қурилмаси юртимизда илк мартаба юқори кучланишли электр тармоқларида амалиётга татбиқ этилмоқда. Электр тармоқлари ва подстанцияларда электр энергияси бир маромда ишлаши керак. Шунда электр ускуналар белгиланган муддатгача ўз хусусиятини ўзгартирмасдан ишлайди. Инвестицион дастурлар асосида тизим бўйича модернизация ва реконструкция ишларининг йил сайин фаоллашаётгани янги қувват ва имкониятларни юзага келтирмоқда.<sup>40</sup>

---

<sup>40</sup> <https://www.standart.uz/cyrl/news/view?id=785>

**Фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.**

- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг 22.08.2019 йилдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4422-сон қарори.
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “2020–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепсияси”.
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.03.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4249-сон Қарори.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Ма’мурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.

**Фойдаланилган интернет сайтлари.**

- 2.9. <https://yuz.uz/news/anvar-rasulov-maqsadimiz--istemolchilarni-mustaxkam-elektr-energiyasi-bilan-taminlash>.
- 2.10. <https://uchtepatumani.uz/uz/n-ili-lar/elektr-energiyasini-iste-molchilarga-uzluksiz-ta-minlab-beramiz>
- 2.11. <https://minenergy.uz/uz/news/view/913>
- 2.12. <https://lex.uz/uz/docs/1521177>
- 2.13. <https://lex.uz/docs/4486125>
- 2.14. <https://lex.uz/docs/4257083>
- 2.15. <https://minenergy.uz/uz/lists/view/77>
- 2.16. <https://www.standart.uz/cyrl/news/view?id=785>